

ФУРУЪУЛ ФИҚҲ

05:00 / 17.01.2017 4784

Фуруъу усулнинг муқобилига ишлатилиб шохобча маъносини англатади. Усулда фикҳий аҳкомларни истинбот қилиш қоидалари устида иш боради. Фуруъда эса турли фикҳий бобларга оид масалаларни жамлаб китоб қилинади. Одатда фуруъул фикҳ китоблари уч қисмдан иборат бўлади. Ибодот – муомалот – оила ва бошқа нарсалар низоми ва жиноят. Ибодатларда таҳорат, намоз, закот, рўза ва ҳаж масалаларига оид шаръий ҳукмлар ўрганилади. Муомалотда асосан савдо сотиқ, турли молиявий алоқалар, мерос, васият, вақф, қулларга оид ишлар каби масалалар ўрганилади.

Оила низомида никоҳ, талоқ, идда, ҳазона, нафақа каби масалаларга эътибор қаратилади.

Жиноятларда эса, маст бўлиб, зино қилиш, одам ўлдириш, бировга тан жароҳати етказиш ва шунга ўхшаша жиноятларни аниқлаш ва уларга таъйин қилинадиган шаръий жазолар ҳақида сўз боради.

Албатта, таом, шароб, ҳалол –ҳаром каби шахсий ҳаётдаги масалалар ҳақида ҳам алоҳида боблар бўлади.

Шунингдек, кишиларнинг ташқи ва ички алоқаларига боғлиқ хавфсизликни сақлаш, мудофа, асирлар, ўлжа каби нарсаларга оид ҳукмларда ҳам фикҳ фуруъларида ўрганилади.

1. «Бадоиъус Саноиъ фии тартибиш Шароиъ».

Китобнинг соҳиби Алоуддин Абу Бакр ибн Масъуд ибн Аҳмад Косоний (587 ҳижрий йилда вафот этган). У кишининг лақаби Маликул Уламо бўлган. Асосан Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Аҳмад Самарқандийда ўқиган. Устозининг барча китобларини, хусусан, «Тухфатул фуқаҳо» китобини яхшилаб ўрганган. Ў талабасини яхши кўрган устоз қизи Фотимани унга никоҳлаб берган. Фотима ҳам отасининг «туҳфа»сини ёдлаган ва илмдан кўпгина эркаклардан ўтиб кетган эди. Кейинчалик ҳам эрига тўғри маслаҳатлар бериб, илмий йўналишини тўғрилаб турган. Отаси чиқарган фатвода, албатта, Фотиманинг ҳам имзоси бўлар эди. Кейин уларга куёвнинг имзоси ҳам қўшилди.

Тадқиқотчилар «Бадоиъус Саноиъ фии тартибиш Шароиъ»ни «Тухфатул фуқаҳо»нинг шарҳи дейишади. «Тухфатул фуқаҳо» эса «Мухтасари Қудурий»га қўшимча қўшиб, яхшилаб тартибга солинган китоб бўлган.

Аmmo «Бадоиъус Саноиъ фии тартибиш Шароиъ»га эътибор билан назар

соладиган бўлсак, у урфга айланиб қолган шарҳларга ўхшамаслигини кўрамиз. Унда аслнинг матнини сўзма сўз келтириб шарҳ қилиш услубига эргашилмаган. Имом Косоний ўз китобида «Тухфатул фуқаҳо»нинг тартибига риоя қилмасдан, боб ва фаслларни янгидан тартибга солган.

«Бадоиъус Саноиъ фии тартибиш Шароиъ»нинг соҳиби ўз китобининг аввалида ҳамду санодан кейин фикҳ илмининг фазли ҳақида мухтасар маълумот бериб бир оят ва Бухорий, Термизий, Ибн Можа ва бошқа муҳаддислар Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилган «Аллоҳга динда фақиҳ бўлишдак бирор нарса ила ибодат қилинмаган. Албатта, бир фақиҳ шайтон зиддига минг обиддан кўра шиддатлироқдир», деган ҳадисни келтирган.

Шунингдек, муаллиф ўзидан аввалги машойихлар кўплаб китоблар битганлари, аммо тартибга унча эътибор бермаганларини эътиборга олиб ўз китобида шу нуқсонни тўлдиришга ҳаракат қилмоқчи эканини таъкидлайди.

Кейин «Китобут таҳорат»дан бошлаб фикҳий масалалрни баён қилишни бошлайди.

«Бадоиъус Саноиъ фии тартибиш Шароиъ» барча уламоларнинг таҳсини ва мақтовига мушарраф бўлган, катта шуҳрат қозонган китобдир. Жумладан, Ҳожи Халифа ўзининг «Кашфи зунун»ида «Бу китоб исми жисмига монанддир», деган.

«Бадоиъус Саноиъ фии тартибиш Шароиъ» кўп марталаб чоп этилган ва кенг тарқалган китобдир. Унинг охириги нашрларидан бири Байрутда «Дорул кутубил илмия» нашрети томонидан 1997 йилда ўн жилд қилиб амалга оширилган.

2. «ал-Умм».

Бу китоб мазҳаб асосчиси имом Муҳаммад ибн Идрис Шофеъий роҳматуллоҳи алайҳи қаламларига мансубдир.

«ал-Умм» ўз асрида фикҳдаги мисли йўқ ажойиб китобдеб тан олинган. Имом Шофеъий роҳматуллоҳи алайҳи китобни нозик услуб, дақиқ таъбир ва кучли мунозара асосида таълиф қилганлар. У киши бошқа фикҳ китобларидагига ўхшаб масалаларни бирин кетин баён қилиб кетавермаганлар. Балки, муҳолифларнинг фикрини ҳам келтириб ҳужжат ва далиллар кетадилар.

Мисол учун намоз ҳақидаги масалалардан бирини баён қилиш жараёнида аввал макзур масалага оид учта ҳадис келтирадилар ва сўнгра ўз ижтиҳодларини баён қиладилар.

3. «ал-Мубдиъ фи шарҳил Муқниъ».

Бу китобнинг муаллифи Абу Исҳоқ Бурҳониддин Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Муфлиҳ Ҳанбалийдир (816 – 884 ҳижрий

йил).

«ал-Мубдиъ фи шарҳил Муқниъ» имом Ибн Қудоманинг «ал-Муқниъ» номли ҳанбалӣ мазҳабининг машҳур китобларидан бири бўлган асарининг шарҳидир.

«ал-Мубдиъ фи шарҳил Муқниъ» энг мўътабар ва кўп ўқиладиган китоблардан бири эканини ҳанбалӣ уламолар кўп таъкидлайдилар. Унда муаллиф оят ва ҳадислардан далиллар келтиради, ҳадисларнинг санадини ҳам беради. Шунингдек, саҳоба ва тобеъинларнинг асарларини ҳам ўз ўрнида келтиради.

«ал-Мубдиъ фи шарҳил Муқниъ»да имом Аҳмад ибн Ҳанбалнинг масалалари, мазҳаб фуқаҳоларининг ижтиҳодлари ҳам баён қилган.

«ал-Мубдиъ фи шарҳил Муқниъ»нинг охириги нашрларидан бири Дамашқдаги «ал-Мактабул Исломий» нашрети томонидан ўн жилдда 1974 йилда чоп этилди.

4. «ал-Мудаввана».

Бу китобнинг муаллифи Саҳнун Абдуссалом ибн Саъид Таннужийдир (240 ҳижрий йил вафот қилган). У киши Миср ва Мадинаи Мунавварада таълим олган. Ўз замонида машҳур фақиҳ бўлган.

«ал-Мудаввана»ни имом Моликнинг яқин шогирдларидан бири мужтаҳиди мутлақ Абу Абдуллоҳ Абдурраҳмон ибн Қосим назар солиб тўғрилаган.

«ал-Мудаввана» моликий мазҳабидаги энг асосий китоб ҳисобланади. Ундан асосан имом Моликнинг фикҳий ижтиҳодлари тадвин қилинган. Ҳожи Халифа «Кашфиз зунун»да «У Молик мазҳабидаги энг улуғ китоблардан биридир», деган (1644 бет). Шунингдек, Ҳожи Халифа «ал-Мудаввана»нинг бир неча шарҳлари ва мухтасарларининг ва уларнинг муаллифларининг рўйхатини келтиради.

«ал-Мудаввана»да Саҳнун баъзи масалаларга ўзининг далиллар келтирган. Асосан бу китобда имом Молик ўзига тушган саволларга берган жавоблардан иборатдир. Унда йигирма олти минг масала келган.